XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 7 - avgust VI-56-95-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Темир дафтари”га киритилган эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамғармасига маблағ ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Ғаллаорол тумани бўлинмасининг АТ Агробанк туман филиалидан 20212000900387981889, ИНН:201089476, МФО:00128 “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини давом эттириш мақсадида “Темир дафтари”га киритилган эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамғармаси ҳисоб рақами очилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Қўчқоров) ҳамда туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман ҳокимлигига “Темир дафтари”га киритилган эхтиёжманд оилаларга ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида, туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 322 500.0 (уч юз йигирма икки миллион беш юз) минг сўм миқдоридаги маблағни ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағни “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Ғаллаорол тумани бўлинмасига очилган жамғарма ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

4. Туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Саттаров) маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**